

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ХХІ СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

САҲИФАСИ

1986 йил
февраль
№ 2 (274)

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА ИСРОФГАРЧИЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛСИН

Ўзбекистон Компартияси ХХІ съездида аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш борасида етарли иш олиб борилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Ҳақиқатан ҳам хўжаликлар, тайёрлов идоралари ва савдо тармоқларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, унинг сифатини бузмаган ҳолда истеъмолчиларга етказиб беришда жиддий нуқсонлар юз бермоқда. Айрим раҳбарлар ва мутахассисларнинг беғамлиги, масъулиятсизлиги оқибатида қишлоқ асраб қўйилган минглаб тонна маҳсулотлар нобуд бўлаётди. Бундай ҳоллар Ўзбекистон ССР Савдо министрига, «Ўзбекбирлашув» прелениеси, республика Давлат агросаноат комитети тармоқларида хўжалик, исрофгарчилик ва қўбўямачиликка қарши жиддий кураш олиб борилаётганлигини кўрсатади. Жойларда узоқ вақт сақланишга мўлжалланган мева ва сабзавот маҳсулотларининг сифати бузилаётган. Маҳсулотни сақлаш қондаларига риоз қилмаслиги туфайли 1984 йили республика бўйича 1,7 миллион сўмлик нормадан ортиқча маҳсулот нобудгарчилиги йўл қўйилди. 1985 йилда эса текшириб чиқилган айрим ташкилотларнинг ўзидagina бу нобудгарчилик 400 минг сўмин ташкил этганлиги аниқланди. У. Юсупов номли агросаноат бирлашмасидagi омборларга сараланмаган ва пишиб етилмаган маҳсулотлар сақлашга қўйилганлиги туфайли нобуд

гарчилик кўпаймоқда. Ана шу палла партишлик, хўжалик оқибатида аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашда узилчилар содир бўлмоқда. Бу айниқса киш ойларида яққол сезилаётган. Сабзавот дўконларида ҳар дoим ҳам картошка, мева сабзавот маҳсулотлари топиб бўлмайди. Борлари ҳам сифатсиз. Мева-сабзавот комбинатлари ва базарлари савдо шохбчаларига юбoрeтган маҳсулотлар сифати паст, товар кўринишини йўқoтганлиги туфайли аҳолининг ўринли эътирозларига сабаб бўляпти. Утган йили «Ташплoдoвoш» бирлашмасига қарашли 1-савдо дўконидagi 252 тонна маҳсулот истеъмoлгa яқинсиз деб топилган. Бу мисoллaр савдо шохбчаларида ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларини асрашга масъулиятсизлик билан ёндашилoтганлигидан дарoк бeради.

Республика Халқ контроли комитетидa Ўзбекистон ССР Савдо министрига, «Ўзбекбирлашув» ва агросаноат тармоқларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва аҳолига сифатли нoз-нeъмaтлар етказиб бeриш борасида йўл қўйилoтган камчиликлар тахлил қилиб чиқилди. Исрофгарчиликнинг олдини олиш чoрaларини кўрмaгaнликларини учун савдо министригининг бошқармa бошлиғи Ф. Подольский ва «Ўзбекбирлашув» тaйёрлaш бoш бoшқармaси бошлиғи С. Мўсаевларга вивoр эълон қилинди.

Партия ташкилотлари, халқ депутатлари Советлари халқ контроли органларига раҳбарлиқни муттасил яхшилашлари, оммавий, доимий ишловчи, самарали ва ошқoра контролни ташкил этишда лeнинчa принциплар муттасил амалга оширилишига эришишлари зарур.

(Ўзбекистон Компартияси ХХІ съезди материалларидан)



Қуйи звенолар жанговарлиги учун

АКТИВЛИК ЕТИШМАГАЧ

Иқтисод ва тежамкорлик учун кураш бугунги куннинг энг долзарб шioriга айланиб қолди. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасида ҳар соҳада тежамкор бўлиш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш масаласи алоҳида қайд этилган. Назоратчилар бу борадаги умум халқ ҳаракатининг олдинги сафларида боришга даъват этилганлар.

Яқинда Самарқанд шаҳар партия комитетидa Боғишмои район халқ контроли комитетининг хўжасизлик ва бошбошдоқликка қарши курашдаги фаолияти қўриб чиқилиб, бу ҳаракатда райондаги барча халқ назоратчилари, гуруҳа ва постлар актив иштирок этмаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Дарҳақиқат, Район халқ назоратчиларига иқтисод ва тежамкорлик учун курашда, ишлаб чиқаришда ишда ривожлантиришга тўқинлик қилмаган нуқсонларни бартараф этишда жанговарлик етишмапти. Бу ҳаракат Темирйўл районидagi барча ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ва муассасаларида ҳам яхши йўлга қўйилган деб бўлмайди.

Лифтозлик заводи (халқ контроли бош гуруҳаси раиси Л. Сафеева), чинии заводи (бош гуруҳа раиси И. Шарипов), консерва заводи (бош гуруҳа раиси А. Сайтумерова), «Кинал» заводи (бош гуруҳа раиси А. Ефимов) халқ назоратчилари ўтган йил мобайнида иқтисод ва тежамкорликка қаратилган қўлаб рейдлар уюштирдилар. Рейд натижалари халқ контроли гуруҳаси, партия ташкилоти ва маъмурият йиғилишларида муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликларини бартараф этишнинг конкрет чоралари белгиланди.

Афсуски, чой қадоклаш фабрикаси (бош гуруҳа раиси Ю. Тагеева), сут маҳсулотлари комбинати (бош гуруҳа

раиси А. Бобоқолова), локомотив депоси (бош гуруҳа раиси К. Шарифутдинов), мебель фабрикаси (бош гуруҳа раиси В. Қалибаба), 130-қурилиш-монтаж бошқармаси (бош гуруҳа раиси В. Борисов) халқ контроли гуруҳа ва постлари ўз коллективлари фаолиятини етарлича контрол қйла олмаптилар. Бу корхона ва ташкилотлар шаҳарда олиб бoрилатган иқтисод ва тежамкорлик қуриғида фaол қатнашишмапти. Айрим меҳнат коллективларида белгиланган давлат плaнларини ўз вақтида бажарилмаптир, хoм ашё, электр энергияси ва енгил-мойлаш материаллари исрофгарчилиғига йўл қўйилмапти. Бундай нуқсонлар халқ назоратчиларининг эътиборидан четда қолаётганлиги ачинарли ҳoлдир.

Айниқса, сут маҳсулотлари комбинати, чой қадоклаш фабрикаси, локомотив депоси халқ контроли гуруҳалари ўтказётган текшириш ва рейдларнинг самараси сезилмапти.

Рейд ва текширишлар натижасида аниқланган камчиликларини бартараф этиш йўллари қўрсатиб берилмапти. Бу корхоналардаги айрим назоратчилар йил давомида бирон марта ҳам текширишга жалб этилмаган. Бу мисoллар Темирйўл район халқ контроли комитети қуйи звенолар жанговарлигини ошириш, меҳнат коллективларининг иқтисод ва тежамкорлик учун курашга сафарбар этишда муҳим ишга жиддий эътибор билан ёндашилoтганлигини кўрсатади. Район халқ контроли комитети ўтган йил декабрь ойида худди шу масалани муҳокама қилган эди. Ленин, ҳозирча қуйи звенолар ишида жонланиш сезилмапти.

С. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Самарқанд область халқ контроли комитети инспектори.

САҲИФА ПОЧТАСИДАН

ТОМСИЗ УЙЛАР

НАВОИЙ. Халқ назорат-чидаги «Обликхоствой» трестини фаолиятида ресурсларини плансиз объектларга сарф қилиш, қўбўямачилик, қўшиб ёзиш, объектларини палла-партини топириш ҳoллари юз бeрaтганлигини очиб тaшлaдилар. Трест бўйича қуриб бoртирилмаган 3876 квадрат метр уй-жой ҳисоботларга фойдаланишга топширилди, деб қиритилган. Жумладан, Навоҳор районидаги қолхозларро механизациялашган кўча колонна ҳисоботида қайд қилинган тўртта уйнинг учтаси ҳали битмаган. Қурилиш ташкилотидa қурилиш-монтаж ишларини ошириб қўрсатиш, иш сифатига эътиборсизлик билан қараш каби иллатлар мавжуд.

Ана шу нуқсонларга йўл қўйилганлиги учун область халқ контроли комитети трест бошлиғи И. Исмоиловга қаттиқ вивoр эълон қилди.

гон депосида ҳам ўтган йил 39 ишни сабoсиз ишга кeлмaган. Корхонада ишчиларга қўлай меҳнат ва дам олиш шарoитларини яратиш билан жиддий шуғулланилмаптир.

Область халқ контроли комитетидa раҳбарлиқни бўшaштириб юбoрганликларини учун локомотив депоси бошлиғи В. Рейхерта вивoр, вагон депоси бошлиғи И. Колесниченкога қаттиқ вивoр эълон қилинди.

200 МИНГ СЎМЛИК БРАК

НУКУС. ҚҚАССР маҳаллий саноат тармоқларида халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш топириқлари бажарилмапти. Бунинг асосий сабаби корхоналарнинг техниканйи яхшироқ талаблар даражасида эмаслиги, технология ва меҳнат интизомининг оқсaтганлиғидир. Айниқса, бу ҳoл Қўнғирот қурилиш материаллари ва Тўртқўл рўзгор буюмлари заводинга жoс хушуният бўлиб қoлди. Нукус тикувчилик фабрикаси ишлаб қараётган маҳсулотлар эса харидорлар дилига мос кeлмайпти. Шу сабабдан ўтган йили фабрика реализация қилган маҳсулотнинг 10 проценти (яъни 200 минг сўмликдан кўп) савдо дўконларидан қайтариб юборилди.

ҚҚАССР халқ контроли комитетидa юқоридagi камчилик ва нуқсонларга йўл қўйганликларини учун автоном республика маҳаллий саноат министрининг ўринбoсарини А. Сaимбетов, Нукус тикувчилик фабрикаси директори А. Сaбуоров, техник комиссия бўлими бошлиғи А. Исмоилов, бош технолог К. Алимовларга тегишли жазo берилди.

ДЕПОДА ИНТИЗОМ БЎШ

ГУЛИСТОН. Ховос локомотив ва вагон депoларидa ичкиликбозлик, алкогoлизмга қарши курашга масъулиятсизларча ёндашилoтганлиги корхона фаолиятига салбий таъсир ўтказмоқда. Локомотив депосида меҳнат интизoми бўшашиб кетган. Коллектив орасида прoгул қилиш, хушёрхoнaга тушиш ҳoллари содир бўлаётди. Ўтган йили депонинг ҳар ўн ҳoдимидан бири сабoсиз ишга кeлмаган. Ишга кeчикиб кeлиш, бeрaвaт кeтиш ҳoллари бу ерда ҳeч кимни ажаблантирмай қўйган. Ва-

қарши тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотларига бўлган талаб кундан кунга ортиб бoрмоқда. Бунга корхонада маҳсулот сифати учун чинакам кураш олиб бoрилатгани туфайли эришилмаптир.

Суратда: бирлашма халқ контроли гуруҳасининг аъзолари (чапдан ўнгга) У. Ҳамроев, М. Раҳимовалар тайёрлов цехининг ишчилари Б. Фахриддинов ва Н. Ибрагимов билан бирга маҳсулот сифатини кўздан кeчирaётгaнлар.

Ш. Шаропов фотоси (ЎзТАГ).

АЖАБ САВДОЛАР

Қозончининг ихтиёри

Тошкент шаҳар «Стройбизнес» бошқармасининг Октябрь районидаги участкасида 1984 йилги аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш плaнларини 105 процентга бажарилди. Аммо участка иш плaнининг ошириб бажарилишидан район аҳолиси ҳeч қандай наф қўрмади.

Бунинг боиси — участка раҳбарларининг «Қаердан кулоқ чиқариш қозончининг ихтиёрида» қeбилида иш тутaётганлиғидa. Текшириб қўрилганда шаҳар «Стройбизнес» бошқармасининг Октябрь район участкасида 1984 йилда аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш мақсади ишлари атиги 30 процентга бажарилганлиги аён бўлди. Плaннинг асосий қисми эса камбeс қурилиш материалларини сотиш ҳисoбига тўлдирилди.

О. ҲАКИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Г. ҚОРШУНОВ,
Фаргона область халқ контроли комитети инспектори.



Хива, Гулстан пахта тозалаш заводидаги ва Урганч «Экстракция» заводи ёрдамида хўжаликларидан ҳам қутулган самара олинмапти. Бунинг асосий сабаби ердаги хўжаликларга эътиборсизлик билан қараётганлиги, хўжасизлик, ўзбўрчиликка йўл қўйилoтганлиғидир.

Қуруқ қошиқ оғиз йиртар

Қўқондаги «Большевик» заводи раҳбарлари билан фeн-техника ютуқлари ва мавжуд резервларини ишлаб чиқаришга жoрий этиш қандай бoрeтaтганлиғи ҳақида суҳбатлашадиган бўлсангиз, уларнинг «Ундай қилмас, бундай қилмасиз», «Бажарамиз, дўндирамиз!» деган гапларига асло ишoнмaнг. Яхшии сeҳрларини айланиб чиқинг.

Корхонада маънавий эскиркан 83 та дастгоҳ бундан йиғирма йил илгари ўрнатилган эди. Улар тез-тез тўхтаб қoлаётгани сабаби кейинги икки йилдаги 300 минг станок-сoат иш вақти йўқoтилди. Бу 50 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмади, деган гаплар. Заавода меҳнат интизoми ҳам бўшашиб кетган. Бўлмаса икки йил ичида 30 минг ишчи-қуни йўқoтилармики!

Хива, Гулстан пахта тозалаш заводидаги ва Урганч «Экстракция» заводи ёрдамида хўжаликларидан ҳам қутулган самара олинмапти. Бунинг асосий сабаби ердаги хўжаликларга эътиборсизлик билан қараётганлиги, хўжасизлик, ўзбўрчиликка йўл қўйилoтганлиғидир.

Хуллас, корхона раҳбарлари ишлаб чиқаришни тақомиллаштириш, сифат ва самeрaдорлик, тежамкорлик ҳақида кўп гапларни айтганда, амалда эса бу ишларга жиддий эътибор бeрмaйдилар.

Рисаларни М. УНГАРОВ чизган.

Қуруқ қошиқ оғиз йиртар

Қўқондаги «Большевик» заводи раҳбарлари билан фeн-техника ютуқлари ва мавжуд резервларини ишлаб чиқаришга жoрий этиш қандай бoрeтaтганлиғи ҳақида суҳбатлашадиган бўлсангиз, уларнинг «Ундай қилмас, бундай қилмасиз», «Бажарамиз, дўндирамиз!» деган гапларига асло ишoнмaнг. Яхшии сeҳрларини айланиб чиқинг.

Корхонада маънавий эскиркан 83 та дастгоҳ бундан йиғирма йил илгари ўрнатилган эди. Улар тез-тез тўхтаб қoлаётгани сабаби кейинги икки йилдаги 300 минг станок-сoат иш вақти йўқoтилди. Бу 50 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмади, деган гаплар. Заавода меҳнат интизoми ҳам бўшашиб кетган. Бўлмаса икки йил ичида 30 минг ишчи-қуни йўқoтилармики!

Хива, Гулстан пахта тозалаш заводидаги ва Урганч «Экстракция» заводи ёрдамида хўжаликларидан ҳам қутулган самара олинмапти. Бунинг асосий сабаби ердаги хўжаликларга эътиборсизлик билан қараётганлиги, хўжасизлик, ўзбўрчиликка йўл қўйилoтганлиғидир.

Хуллас, корхона раҳбарлари ишлаб чиқаришни тақомиллаштириш, сифат ва самeрaдорлик, тежамкорлик ҳақида кўп гапларни айтганда, амалда эса бу ишларга жиддий эътибор бeрмaйдилар.

Рисаларни М. УНГАРОВ чизган.

«Совет Ўзбекистони» рейди

НЕГА НОБУД ҚИЛЯПСИЗ?

Ҳама турдаги ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш, исрофгарчиликка қарши чек қўйиш, ҳамма жойда иқтисод режимиини қулайтириш юзасидан бошланган ҳаранат яхши самаралар бeрипти. Бинобарин, исрофгарчиликка қарши курашнинг ҳамма масаласида гoт пухта ва қатъий ҳисoб-китoб олиб бoриш дeмакдир.

Халқ хўжалигининг барча соҳаларини комплекс ривожлантиришнинг машина ва механизмларсиз, ёнгил ресурсларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боисдан ҳам ёнгил ҳада моиллаш материалларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, бу хил маҳсулотларни сақлаш қондаларига, ҳисoб-китoбга қатъий риoз қилиш катта аҳамиятга эга.

Рейд давомида Ленинград районидаги Энгельс номидаги колхозда ёнгил ва моиллаш материалларидан фойдаланишда, уларни сақлашда тaдбиркорлик билан иш тутилoтганлиги маълум бўлди. Хўжаликда нефть маҳсулотларини сақлашда жиддий тaдбирлар амалга оширилгани сабабидан 16 тоннадан зиёдoқ оғилдини. Бу ерда ёнгилнинг сақлаш ва уни тарқатиш пайтида қатъий ҳисoб-китoб қилиб бoрилатгани натижасида ўтган йили 58 тонна ёнгил тежаб қoлинди. Бу — 3 та ҳайдов тракторини анча муддат ишлатишга етaди. Лекин областда ана шундай хўжаликлар билан бир қа-

торда халқ мулкига хўжасизларча муносабатда бўлиб, исрофгарчиликка йўл қўйилoтган колхоз ва совхозлар, автобазалар ҳам бор. «Узельавтотрест»га қарашли Қўқондаги 5-автoбaзa раҳбарлари бу масалaда «рекорд» қўйдилар. Утган йили бу ерда 26 минг тоннадан кўпроқ тaшилмаган юк тaшилди, амалда бажарилмаган 20 минг тонна-километр юк тaшил ишлари адо этилди, деб қайд қилинган. Бу хилдаги қўшиб ёзиш натижасида 3 минг литр бензини хисoбдан чиқариб юборилди. Автoбaзaда прицеплардан фойдаланиш даражаси аранг 70 проценти тaшилди эди. Текшириш жараёнида ҳар тўрт ҳайдовчида бири нормадан ортиқча бензин сарфлагани маълум бўлди.

Республика Мелнорация ва сув хўжалиги министригининг Данғарадаги 6-автoрoхoнaси раҳбарлари ҳам узоқ вақт мобайнида қўбўямачилик билан шуғулланиб кeлдилар. Улар ўтган йилининг 9 ой ичида, 9,5 минг тонна тaшилмаган юкни «ташилди»га чиқаришди. 360 минг тонна-километр бажарилмаган ишни «ойиллатиб бажарди» деб рапорт бeришди. Бу ҳам етмагандай амалда тaшилмаган юк учун «авадoр» тaшилoтларидан 17,9 минг сўм ундириб ҳам олди. Рейсга чиқарилаётган ўнлаб автомашиналар техник жихатдан нoсoз, спидометрлари ишлaмайди. 70 нафар ҳайдовчи эса ёнгил-

ни белгиланган нормадан кўп сарфлашга йўл қўйди. Оқибатда 2,2 тонна бензин ортиқча сарфлаб юборилди.

«Узаясомолспецавтотранс»нинг Фарғонадаги автoбaзaсида ёнгил ҳада моиллаш материалларидан ўзoшмичaлик билан фойдаланиш oдaт тусига кириб қoлган. Асқолда ўтган йил давомида рoпa-рoзa 35 тонна бензин ва дизeл ёнгилсиз ортиқча сарфланмас эди. Шунча миқдордаги ёнгилнинг пулга ҳисoблаганда 3,9 минг сўмин тaшилди этaди. Бeли oғримаганини нoн ейишини кўриниб, деб шунга айтсалар керак-да!

Шу ерда бир савoл туғилди: хўш, ушбу автoрoхoнaларнинг раҳбарлари партия ва ҳукумaтизининг тежамкорлик, ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳақидаги қўрсатмаларига зид иш тутиб, негa бунaчалик исрофгарчиликка йўл қўйишяпти? Нeгa қўбўямачилик билан шуғулланишяпти? Рейд давомида очиб тaшланган фактлар уларнинг сира виждoнларини қийналмай бу ишга қўл уриб кeлганликларини кўрсатиб. Масъулиятсизлик ва қўбўямачилик ҳeч қачoн жaзoсиз қoлган эмас. Ёнгил ва моиллаш материалларидан фойдаланишда жиддий нуқсонларга йўл қўйганлиги учун «Узельавтотрест»нинг Қўқондаги 5-автoбaзaси директори Н. Чeнгaнa вивoр эълон қилиниб, етказилган зарарини бир oйлик иш ҳақи-

дан ушлаб қoлишга қарoр қилинди. Эксплуaтaция бўлими бошлиғи Л. Грiшпун хизмaт вaзифасидан четлaштирилди. Автoбaзa бoш бухaтaдчиси Г. Кoрeшкoв ҳам бир oйлик мaшнa миқдоридaги жaримa билан жaзoланди. Рeспубликa Мелнoрaция ва сув хўжалиги министригининг Данғарадаги автoбaзaси директори Х. Исахoнов, «Узаясомолспецавтoтpа н с н и ц» Фарғoнaдaги автoбaзaси директори Р. Фaсхуддинoвлaрга нисбaтaн ҳам oшириб ёзишга, исрофгарчиликка йўл қўйганликларини ушун қаттиқ жaзo чoрaларини қўйилди.

Шу ўринда яна бир муҳим масала ҳақида тўхталиб ўтmoчимиз. Юқоридa биз Энгельс номида колхозда ёнгил-моиллаш материалларини намунали сақланаётганини бежиз эслатиб ўтмадик. Гап шундаки, нефть маҳсулотлари яхши сақланган жойда ёнгин чиқиш хавфининг олди олинишидан тaшқaри, тежамкорликда ҳам кaтa сaмaрaларга эришилaди. Аммо, текширишлар жараёнида асқарият жойларда ёнгилнинг сақлаш ва ундaн фойдаланиш қондаларига риoз қилинмаётгани, пaллa-пaртиш иш тутилaётгани маълум бўлди. Ҳoзир Фарғoнa oблaсти хўжаликларидa 133 та нефть маҳсулотлари oмбoрини бор. Аммо улардан 62 тaсигинa тaлaб дaрaжaсидa жиҳoзлaнган, хoлoс. Ақсaрият жoй-лaрдa нефть маҳсулотларини қoндaгa зид ҳoлдa сақлaнaё-

АЛЛО, АЛОҚА МИНИСТРЛИГИМИ?

КИЧИК ФЕЛЪЕТОН

фoн қилaман. Кeчирaсиз сиз ни тaнимaй турибмeн. Бизнинг уйда нeмa қилaйсиз?

— Э, бирoдaр эртaлaбдан oтвoгoнимиз сиз дeймaн. Бу ер, кўшoнa-ку!

— Кўшoнa!!!

Бу вoқeани хикoя қилиб бeргaн тaнимaшим шундай уингa югурибди. Уингa кeлсa, тeлeфoн жoйидa нoмeр ҳам ўшa. Лекин хoтини хўнoб бўлиб ўтиргaн экaн, «Сизгa тeлeфoн қилсaм!» Олoй бoзoрининг идoрaсигa тўшaлпaн. Кeрeдa ишлaсиз, ўзи!» дeб жeнaжaли бoшлaб юбoрибдi... Ана шундай нoхуш вoқeaлар тeлeфoнни бор oдaмлaр турмушидa тез-тез сoдир бўлиб турaди. Уларгa қийин.

Алоқа хизматидан воз кeчaй дeйишсa, иллaб нaвбaт кутиб, тeлeфoндeк oҳaнрaбoгa эгa бўлишгaн. Шу туфaйли ҳам aлoқa хизмaти хoдимлaригa инсoф тилaшдaн ўзгa чoрaларини кўй.

Рeспубликa Алоқa министрлиги тармоқларида эсa аҳолигa тeлeфoн хизмaти кўрсaтишнинг яхшилaш ишлари билан жиддий шуғуллaнилaяпти. Автомaт-тeлeфoн стaнцияларини қурилиш сифaтсиз oлиб бoришмoқдa. Бунинг учун эвиритилган кaпитaл мaблaғлар ҳар йили тўлиқ ўзлaштирилмай қoлиб кeтaпти. Янги АТСлар кўп ҳoллaрдa фoйдaлaнишгa чaлaкaм-чaтти ҳoлдa топширилмoқдa. Ун биринчи бeш йиллик

мобайнида шaҳaрлaрдa тeлeфoн aлoқaларини ривожлaтириш, aлoқa сифaтини яхшилaш учун эвиритилган мaблaғларнинг 87 процeнти, қурилиш-мoнaтaж ишлари учун эвиритилган мaблaғнинг 70,4 процeнти ўзлaштирилгaн, хoлoс.

Министрликда янги техника ва илгор технологияни ишлаб чиқаришга жoрий этиш, тeлeфoн aлoқaларини қуваётларидан тўла фoйдaлaниш ишларини зoғиргa тaлaбларгa мутлaқ жaзoб бeрмaйди. Тeлeфoн aлoқaсини тaшкил этиш бoрeсидa республикaмиз Иттифoқдa энг сўнгги ўринлардан биригa тушиб қoлган.

Айрим алоқа корхоналарининг раҳбарлари ўз ишларига

Одамларнинг табиати, қи-зиқ. Тeлeфoнни йўқлар унга эгa бўлишини oрзу қилшсa, тeлeфoнни бoрлар ундaн хaлoс бўлишини ўйлaшeди. Уингa тeлeфoн ўткaзилгани истoвичaларинг ҳaвaслaрини тушунaсиз, aбгaтa. Аммо, тeлeфoн aппaрaтeдeк бeминaт хизмaтoрдaн вoз кeчмoқчи, бўлгaн лaрининг ҳaвaслaрини тушуниш учун қуйидаги ҳaнгомaгa эътибор бeринг.

— Алло, алло! Қaвaртирaми?

— Йўқ, топилмaгaн бoрoси.

— Иe, хaнaқaсизa бoрo бўлaркaн. Мeн уингa тeлeфoн қилaпмaн aҳир.

— Нoмeрдaн aдaшгaндир-сиз, бoл ки бoрo.

— Бaлки Ҳoзир қaйтa тeриб қушaм.

— Шиф-шиф, шиф-шиф, шиф-шиф. Ду-ут, ду-ут.

— Алло, oнaси сeнимсaн!

— Қaнaқaсизa oнaси? Мeн oтaсимни! Кeйiнчa сиз қoқeлa-сиз! Сизгa ким кeрaк ўзи!

— Уингaгa, хoтинингa тeлe-


АЛИШЕР НАВОЙИГА БАҒИШЛАНДИ

Буюк шоир, мутафаккир ва фалсафий Алишер Навоий мероси замон ва макон чегараларидан ўтиб жаҳон маданиятининг мулки бўлиб қолди. Улуғ сўз санъаткори таваллудининг 545 йиллигига бағишлаб ўтказилган XXX анъанавий илмий конференцияда ана шу фикр баралла янгради.

Навоий комитети билан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номи тил ва адабиёт институти 10 февраль кuni уюштирган бу конференцияда республика Фанлар академияси институтлари, В. И. Ленин номи Тошкент давлат университети, Ленинobod давлат педагогика институтининг олимлари Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган янги тадқиқотлар ҳақида ахборот берди. Навоий ижодининг СССР халқлари адабиётига таъсири масаласига бағишланган тадқиқотлар айниқса катта қизиқиш уйғотди.

Конференцияда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини тадқиқ этиш билан машғул бўлган олимларнинг коллектив меҳнати туфайли қисқа давр мобайнида шоир ҳақида, XV аср адабий жараёни ва маданий ҳаёти ҳақида яратилган асарлар беш аср давомида ёзилган асарлардан анча салмоқли ва кўп эканлиги таъкидлаб ўтилди. «Навоий энциклопедиясини» яратишнинг илмий принциплари қараб чиқилди.

[ЎзТАГ].



Хўжаликларга уруғлар

Республика шолчилик илмий-тадқиқот институти селекционерлари томонидан яратилган соянинг янги «Олдуз», «Дўстлик», «Мутант-3» ва бошқа навлари чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлашда катта роль ўйнамоқда. Тўғимли моддаларга бой бўлган бу озуқа экинни экишга талаб кун сайин ўсиб борапти. Институт ходимлари шунинг ҳисоб-

га олиб, соя уруғини хўжаликларга жўнатишни бошлаб юбордилар.

Суратда: институт дўқакли дон экинлари уруғчилиги ва селекцияси лабораториясининг катта илмий ходимлари Н. Тўлаганов (чапда) ва Б. Юнусовлар иш устид.

Г. ПУН ФОТОС
[ЎзТАГ].

ЯНГИ ЖУРНАЛ

Москва шаҳрида «Трезвость и культура» («Хушбўлик ва маданият») деб номланган янги журналнинг илк сони нашрдан чиқди. Қарийб олти юз минг нусхада босилган журнал хушбўлик учун кураш Бутуниттифоқ кўнгилли жамиятининг органи ҳисобланади. Унинг биринчи сонида Томск ва Ульяновск областларида соғлом турмуш тарзи учун олиб борилаётган ишлар ҳусусидаги материалларга кенг ўрин берилган.

Жуда қийинчи безатилган журнал саҳифаларида ҳар бир ўқувчи қизиқарли мақолалар, кичик-кичик ахборотлар билан танишиши мумкин.

ТРЕЗВОСТЬ
И
КУЛЬТУРА



Суратда: янги журнал дастлабки сонининг муқова-си. А. Чумичев фотоси (ТАСС).

ОБ-ҲАВО

Синоптикларнинг хабар қилишларича, Қорақалпоғистон АССР, Хоразм областиди ва Навоий областининг шимолида ҳавонинг бир оз булутлиб туриши, ёғингарчилик бўлмағи кутулади. Шимоли-шарқидан секундида 9—14 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5—10, баъзи жойларда 13 даражага совуқ, кундузи 0 даража билан 5 даража совуқ ўртасида бўлади. Устурда кечаси 16—21, кундузи 5—10 даража совуқ бўлади.

Республиканинг қолган территорисинда ҳаво булутли бўлиб, Фаворон водийсиде кечаси ёғингарчилик бўлмағи, кундузи бир оз ёғингарчилик бўлади. Қолган областларда ёғингарчилик бўлиб, тоғларда қор ёғади.

Тошкентда ҳаво булутлиб, ёғингарчилик бўлади. Кечаси 2—4, кундузи 4—6 даража ис-сиқ бўлади. (ЎзТАГ).

Ёггорликлар—бойлигимиз

ОБИДАЛАР ВА МУАММОЛАР

Бухоро шаҳрида 130 дан зиёд қадимий архитектура ёдгорлиги бўлиб, уларнинг 20 таси Иттифоқ аҳамиятига эга объектлардир. Исмоил Сомони, Минора Калон каби обидалар эса, ЮНЕСКО рўйхатига киритилган.

Уч йил бери Бухоро шаҳрида тарихий-меъморчилик қўриқхонаси ташкил қилинган. Қўриқхона фаолияти мавжуд музейлар иштини ташкил қилиш билан бир қаторда областдаги барча меъморчилик обидаларини таъмирлаш ишларига ҳам йўналтирилган. Аммо бу соҳада, яъни асарлардан асарларга ўтиб кетмаган қадимий маданий-архитектура ёдгорлиқларини таъмирлаш, борасида Бухоро шаҳрида бир қатор муаммолар мавжуд. Чунки, обидаларни қайта тиклаш ишлари акратилмаган қўриқлиш материаллари етарли эмас. Таъмирлаш учун мавжуд манбаларнинг имконияти дари-дан фойдаланилмагани ҳам қайта тиклаш ишларини бў-зиб юбормоқда.

Мамлакатимизда кўпчилик туристлик марказлар саяҳатчиларни қабул қилар экан, ана шундан келадиган даромадининг бир қисmini таъмир-лот ва ободонлаштириш иш-ларига акратилади. Бухорода эса бундай қилинмапти. Масалан, 1985 йилнинг ўзиде шахарга 230 мингдан зиёд турист келиб кетди. Меҳмон-

ларнинг 178 мингдан кўпро-ғини туризм ва экскурсиялар бўлиб совети қабул қилди. Бу ахши, албатта. Аммо ҳозиргача худди шу ташки-лотнинг таъмирлот ва ободо-нлаштириш ишларига бир ти-йин ҳам акратилмагани киши-ни ажаблантиради.

Таъмирлаш ишларига ар-хитектура ёдгорлиқларини эгаллаб турган ташкилотлар ҳам маблар ажратиши мум-кин. Сўнгги ўн йилда шаҳар-да 37 обидани таъмирлаш ту-ғатилган бўлиб, уларнинг бир қисmini турли хизмат со-ҳаси тармоқлари ижарага олганлар. Афсуски, улар ўз-ларининг иш жараёни кеча-ди-дан биноларни жорий ре-монт қилишга ҳисса қўшма-яптилар. Оқибатда қўриқхо-на ўз музей ва кўргазмала-рида мавжуд бойлиқларнинг аттиги 8 процентинигина на-моиш этишмоқда.

Яқинда қўриқхона маъ-мурияти янги беш йилликда Бухорони музейлаштириш на-мояни ишлаб чиқди. Шу на-мояга кўра, зарур моддий ёр-дам кўрсатилган тақдирда таъмирланган обидаларда яна тўққизта музей ва кўр-газмалар очилади. Мана шун-да қўриқхона бадий фон-дидаги бойлиқларнинг 34 процентини намоиш қилиш им-конияти туғилади.

Маъмур планда таъмирлаш ишлари тарихи, қўлама, ёғоч, мармар, мис ўймақ-чи-ли, миллий кийим-кечак,

зардулик санъати музейи ва кўргазмалари очиб қўйи-ла тутилган. Режада булардан бошқа ҳам бир қатор музейи ва кўргазмалар бор. Улар бир-бирини такрорламасми-кан, деган фикр туғилди. Ундан кўра, ҳақ амалий санъат турларини гуру-пларга ажратиб, архитектура ва таъмирлаш тарихи, тў-қувчилик ва зардулик, зар-дулик ва ўймақчилик, ми-ниатюра ва каллиграфия, бадий кўлчилик санъати музейлари ташкил қилиш мақсада мувофиқ эмаоми-кан?

Албатта, катта моддий ва ташкилий куч-гайратни та-лаб қиладиган бу ишни кў-риқхонанинг яқна ўзи қисқа муддатда амалга ошира ол-майди. Бу муамло эзу ишга шаҳардаги қорхона ва та-ш-килотлар ҳам жалб қилинса фойдали бўлур эди. Ўз са-фарида тарих ва маданият ёдгорлиқларини сақлаш жа-мийятининг қўлаб аъзоларини билиштираган Бухоро тўқи-мачилик комбинати, зарду-лик, трикотаж, пиллакашлик фабрикалари, тикувчилик ишлаб чиқариш би-рлашмаси, маҳаллий санъат қарамоғи-даги қорхоналар ўзларининг қасбларида бевосита алоқа-да ҳақ амалий санъати музейларини яратишдек хайрли ишга бош қўшадилар, деб ўйлаймиз.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мух-бири.

АХБОРОТ

СИРДАРЕ

АХОЛИ ХИЗМАТИДА

Гулистон шаҳри билан Комсомол райони маркази Янгиобод қишлоғи ўртасида автобус қатнамоқ-да.

Бу ўн иккинчи беш йил-лиқнинг дастлабки янги маршрутларидан биридир. Яқин орада област маркази билан Меҳнатобод районида-ги қўриқ совхозларга янги маршрут бўйича автобуслар йора бошлайди. Илмий райо-ни маркази Пахтаобод посёл-касини турли марказий ша-ҳарлар билан боғловчи янги маршрутлар очилади. Об-ластда автомобил трести хо-димлари ҳозирга қадар 116 маршрут бўйлаб аҳолига хизмат кўрсатмоқдалар. Йил

охирига қадар яна 6 та янги маршрут очиб режалашти-рилган.

САНЪАТСЕВАРЛАР УЧУН

● Қўриқ областининг қатор райо-ли-лар, шаҳар ва қишлоқларида анъа-навий театр кунари ўткази-лади.

Олим Хўжаев номли Сир-дарё област театрининг ижо-дий коллективи Илмий, Оқ-олтин, Меҳнатобод, Боевут, Ховос, Сирдарё ва Вороши-лов районларининг меҳнат-кашларига ўз маҳоратларини намоиш этидлар. Санъатсе-ва-рлар театр репертуридаги «Алишер Навоий», «Хи-жир», «Инсонликка номзод» каби саҳна асарларини ил-қи-кутиб олдилар.

МЕҲНАТ ВА ДАМ ОЛИШ ЛАГЕРЛАРИ

● Қўриқ Илмий райо-ни-даги Титов номи со-воҳа 300 ўқили меҳнат ва дам олиш лагери фой-даланишга топширилди.

Бу ерда ёшлар кўнгли-ли дам олиб, меҳнат силарини эгаллашлари учун қўлай шар-оитлар яратилган. Йўнали-дан, қўлимчи бассейни, душ хоналари, спорт майдонча-лари бор.

Бундай объектлар қури-лиш райондаги Волков но-ми, «Октябрь 60 йиллиги» совхозларида ҳам нийонсига етай деб қолди. Бу лагерлар мактаб ислохотини амалга ошириш программасида кў-за-да тутилган дастлабки об-ъектлардир. Улар ўз ой-ларига мактаб ўқувчилари ихтиёрида бўлади, куз пай-тида шаҳарлик хашарчилар-ни қабул қилади. Қиш ойла-

рида эса қишлоқ меҳнат-кашлари ва механизаторлар учун дам олиш уйлари ва-зифасини ўтайди.

ОҚ ЙУЛ, «ОМОН ЕР»

● Ховос район мадан-йат уйи қошда «Омон Ер» фольклор ансамбли ту-зилди.

Ансамбль иштирокчилари-нинг энг кичиги 54, энг ке-часи эса 85 йилга қадам қўй-ган онахоналардир. Ансамбль репертури асосан халқ кў-шиқларидан ташкил тоган. Ансамблининг ташкил этил-ганига ҳали унча кўп вақт бўлма-са-да, унинг дони об-ла-стада машҳур бўлиб кетди. Ҳидоят Аюпова, Шарофат Ҳамдамова, Зухра Ёргашева каби хурматли онахоналар ан-самблининг етакчи икромчи-лари бўлиб қолишди.

«Совет Ўзбекистони» мух-бири.

ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ

ИЗЛАРИНИ ИЗЛАЙМИЗ

Мен Олмаота шаҳрида яшайман. Улуғ Ватан уру-шида қатнашганман. Уруш-дан сўнг энг яқин қурол-дошим билан алоқа узилиб қолди. У Ўзбекистонда яша-шин билардим. Бозорбек Сарбасов 1917 ёни 1918 йилда туғилган. У билан 57-механизациялашган ўқчи дивизиянинг 127-полки со-ставида хизмат қилганман. Б. Сарбасов ушбу сатрларни ўқиса менга қуйидаги адрес-га хат йўллаб деган умидда: Гавриил Андреевич ПЕТУШ-КОВ, 480033, Олмаота ша-ҳри Вахтанов кўчаси, 14-уй, 2-квартира.

3-гвардиячи Кавказ кор-пусининг 32-отлиқ дивизи-яга қарашли 1979-артилле-риячи миномёт полкининг 6-батареясида хизмат қилган Анориметов, Разуметов, ве-теринария инструктори Юнус исмли. Биз улар билан 1944 йилнинг август ойидан 1945 йил май ойигача Ав-густ ўрмонлари (Польша)дан Ўзбёка дарёсигача (Витен-берг шаҳри) бўлган жанговар йўлни босиб ўтганмиз. Жа-воб беринг, қайдасиз, азиз дўстлар!

286000, Винница шаҳри, Котовский кўчаси, 5-уй, 14-квартира, ДЗЮБА Григорий Евдокимович.

Уруш йилларида каттақў-роғлиқ Исо Ҳамроев билан 991-алоҳида алоқа батальо-ни составида бир вазодда хиз-мат қилганман. Дастлаб Калинин фронтида, кейинча-лик Болтиббуи фронтидаги 43-армиянинг биринчи ўқчи корпуси составида душманга қарши жангларда қатнашдик. Дўстим мард йигит эди. У III даражали «Шуҳрат» ор-дени билан тақдирланган. 1944 йил декабрида мени алоқа тармоғига бошлиқ ки-либ тайинладик. Бу орада снаряд парчасидан жароҳат-ландим. Менинг ўрнимга Исо Ҳамроевни тайинладик. Шу ерда биз хайрлашдик. Мен госпиталда даволанганимдан сўнг бошқа қисмга тушиб қолдим. Шу тариқа қурол-дошимни йўқотдим.

Урушдан сўнг ўқидим. Олмаот б. Ҳозир пенсияда-ман. Ҳамон дўстимнинг тақ-дир мени қизиктиради.

Г. П. КОРАДЗЕ,
Грузия ССР, Лагодзиде шаҳри, Кедровый кўчаси, 40-уй.

Курскида 6-ўрта мактаб-да Қизил байроқли 71-ўқчи Торуш дивизиясининг мак-таб шон-шўҳрат музейи та-ш-кил этилмоқда. 1941—1945 йилларда шу

дивизиянинг 126-, 131-, 367-ўқчи, 237-артиллериячи полклариде, 133-алоҳида қирувчи-танкка қарши ди-визиясида, 126-алоҳида ало-қа батальони, 68-медсанбат-да ва дивизиянинг бошқа бўлимларида хизмат қил-ганлар жанг хотиралари, полкдошларининг жасорати ҳақидаги материаллар, рас-малар, ҳужжатларни қуйидаги адресга юборишларини сў-раймиз: 305006, Курск ша-ҳри — 6, Радищев кўчаси, 54, 6-ўрта мактаб.

Қуролдош дўстим ва усто-зим лейтенант Раҳимовни излайман. Ватан уруши йил-ларида у билан Қизил бай-роқли Суворов ва Кутузов ордени 180-ўқчи Киев ди-визиясининг 42-ўқчи Ри-миникс Богдан Хмельницкий ордени полк составида Че-реповец шаҳридан Прагага-ча биға бортандик. У танк-ка қарши қуроллар рота-сида дастлаб вазод командир, кейинчалик рота командир, мен эса бўлим командир, сўнгра вазод командир бўл-дим. Бир оз вақтдан кейин мени разведка полкига ко-мандир қилиб тайинладик.

Киев шаҳрида дивизиямиз ветеранлар Совети ташкил этилган. Хар йили кўнчили қуролдошлар учрашувга ке-лишдик. Шу учрашуларда дўстимни жасур, қобилиятли командир сифатида эслаш-дик.

Украинада ҳаммаси бўлиб дивизиямизнинг жанговар йўли ҳақида ҳикоя қилувчи 9 та жанговар шон-шўҳрат музейи ишлаб турипти. Унинг номи қадимон жанг-чилар қаторида тилга олина-ди.

Қуролдошимнинг тақдир-и ҳамон менга ором бермайди. Ҳамон қалбим унга талпина-ди.

Александр Васильевич ПИКОВСКИЙ, 260553, Житомир области, Барановский райони, Середняя қишлоғи.

17-артиллериячи Сивск Богдан Хмельницкий орде-ни 7-а.л.д. РВК бригадаси составида кўпгина Ўзбекис-тонликлар жанг қилишган. Уларнинг баъзилари ҳар йил ветеранлар учрашуварига келиб туршадик. Қўнчи-лик фронтида олган жароҳат-лари туфайли саломатлиқ-лари ёмонлашганини учун бу учрашуларда қатнашишма-пти. Улар ўзлари ҳақида ветеранлар Советига хабар қилишларини сўраймиз.

В. Ф. ЖУКОВ, 349870, Ворошиловград области, Рубежное шаҳри, Киров кўчаси, 8-уй, 42-квартира.

«СПОРТ»

ДИНАМОЧИЛАР БЕЛЛАШГАНДА

Қирғизистон пойтахтида «Динамо» кўнглили спорт жамияти маркази Совети-нинг биринчилиги ўтказилди. Қўриқлар ўртасида эркин кураш бўйича ўтказилган беллашуларда тошкентлик А. Бекмуров галаба қозон-ди. Унинг ҳамшаҳарлари Р. Закариев билан Э. Юсупов-лар вазирларга кўра голиб-лик сулусининг иккинчи по-нонасига кўтарилишди. А. Иброҳимов кучли олтинчи-дан ўрин олди. Умумоманда-да ҳисобида республикамиз пол-ковлари РСФСР, Украина, Грузия коллективларидан ке-йин тўртинчи бўлишди.

СУЗИШ:

ЧЕМПИОНАТГА
ХОЗИРЛИК

Тошкентда сузиш бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида юқори нати-жалар қайд этилмоқда. Та-ниқли сузувчи Л. Белоко-марда биринчи бўлиб. Унинг 200 метрга брас-са сузуши мутахассисларда я-хши таассурот қолдирди. Яна бир вақилимиз И. Шубина 400 метрга эркин усулда сузиб, голиблар сафидан жой олди. Бу мусобақа Мос-квада ўтказилганда мамла-кат қишки чемпионатида хо-зирилди.

ВОЛЕЙБОЛ:

МУХЛИСЛАРИНИ
РАНЖИТИ

Олмаота ва Таллин ша-ҳарларида олий лига коман-

далари ўртасида ўтказилган мамлакат чемпионати-нинг дастлабки давраси ўйинлари якулланди. Волейболчи йи-гитлар баҳсининг қизгин ва муросасиз давом этиши му-хлисларда яхши таассурот қолдирди. Лекин тошкент-лик динамочи йигитлар уч-рашуларда биронта ҳам оч-ко ололмади ишқибозларни франтиштиди. Вакилларимиз Свердловскининг «Уралэне-ро-маш», Вильнюсининг «Куро-аппаратура», Ленинграднинг «Автомобилист», Москва областининг «Динамо» ва Ол-маотининг «Доржоник» кол-лективларига имкониятни бой беришди. Агар волей-болчиларимиз навбатдаги давра ўйинларини ушшоқлик бил-лан кўтаришни рўхда ўтказ-масалар, мавқеаларини янада бўшаптириб юборадилар.

ХОККЕЙ:

САФАР УЧРАШУВЛАРИ

Биринчи лига командалари ўртасида мавсегни мус-таҳкамлаш учрашуварли да-вом этмоқда. Ҳар бир ко-манда ўз лигасидеги ўринни сақлашга ҳаракат қилмоқда. Тошкентнинг «Винокор» ко-мандаси навбатдаги учра-шуварли сафарда ўтказди. Хоккейчиларимиз Череповец шаҳрида маҳаллий «Ме-таллург» командасининг ме-ҳмони бўлиб (1:0, 4:6), қим-матли кўш очко олдилар. Командамиз ҳисобидаги жа-ми очколар 36 тага етди.

РЕДАКТОР

Л. ҚАЮМОВ.

РЕКЛАМА * ЭЪЛОНЛАР

«СЕРВИС» ХИЗМАТИ

ИШОНЧЛИ, ҚУЛАЙ

ВА ОСОНДИР

«Сервис» агентлиги хизматига Тошкент шаҳри аҳоли-си ўртасида талаб жуда катта: самолёт, автобус, поезд билетларига буюртмалар қабул қилиш, меҳмонхоналар-дан жой олиб қўйиш, туристлик кўтубчаларни тарқатиш агентлиги хизмати доирасига қиради.

У хизматнинг янги турларини жорий этиш, мавжуд хизмат турларини тақомиллаштириб боришга ҳаракат қилади.

Масалан, барча турдаги билетларга комплекс буюрт-малар қабул қилиш, сўнг уларни уйга элтиб бериш бун-га ахши мисоллар.

Хизматнинг бу тури аҳоли ўртасида кенг оммалашиб кетди. Ўтган йили телефон орқали 50 мингдан зиёд ана шундай буюртмалар қабул қилинди. Бунинг ҳайратланда-ғин жойи йўқ. Биз хизмат командировкасида боришда билет харид қилиш муаммосига дуч келамиз. «УЗТРАНСЭК-СПЕДИЦИЯ» бошқармасининг «СЕРВИС» агентлиги ходи-млари ушбу муаммони ҳал этиш, аҳолига қулайлик яратиш учун ҳамма тадбирларни кўрмоқдалар.

Хозирги кунда билетлар харид қилиш учун кетадиган вақтни қисқартирибгина қолмай, буюртмалар қабул қи-лишни қўйиштириш, бу хизмат билан аҳоли кенг доира-сини қамраб олиш, деярли ҳамма хоҳловчилар учун энг осон авиа-автобус ва поезд билетларига комплекс буюрт-малар қабул қилишга имкон берадиган хизматнинг янги технологияси ишлаб чиқилган.

Агентликда ўрнатилган махсус алоқа системаси энди-ликда 41-89-10 телефони орқали самолёт билетларига бир вақтининг ўзида бир йўла ўн нафар буюртмачида-га буюртма қабул қилиш имконини беради.

АЗИЗ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОИТАХТИМИЗ

МЕҲМОНЛАРИ!

Буюртмалар бўш ўринлар мавжуд бўлган тақдирда ол-диндан, фақат уй ёки иш телефони орқали қабул қили-нади.

самолёт билетларига, уни талаб қилинган ерга эл-тиб бериш юзасидан 41-89-10 телефони орқали, учин-дан 5-15 кун олдин буюртма берилади.

Элтиб бериш ҳақи — 1 сўм;

автобус билетларига, уни талаб қилинган ерга эл-тиб бериш юзасидан 41-89-10 телефони орқали, жунаб кетилдан 10 кун олдин буюртма берилади.

Элтиб бериш ҳақи — 50 тиын;

поезд билетларига, уни талаб қилинган ерга элтиб бериш юзасидан 41-89-20 телефони орқали, жунаб кетилдан 6-15 кун олдин буюртма берилади.

Элтиб бериш ҳақи — 1 сўм.

Санаторий ва санатор қорхоналарига аввалдан кели-шиб қўйилган график бўйича сайёр кассирлар томони-дан хизмат кўрсатилади.

Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчилари учун махсус касса очиб қўйилган, бу ерда билет харид қилиш ёки буюртма бериш мумкин.

Хизматнинг бу янги туридан фойдаланишни хоҳловчи-ларга «СЕРВИС» агентлигининг буюртмалар қабул қи-лиш гуруҳларини ш вақтининг эслатиб ўтаемиз: ҳар кунни — соат 9 дан 20.00 гача; буюртмалар қабул қилиш — соат 9 дан 18.00 гача, тушқи танаффус — соат 14 дан 15.00 гача.

«СЕРВИС» АГЕНТЛИГИ ХИЗМАТИДАН

ФОИДАЛАНИҒИ!

«Узтрансэкспедиция» бошқармасининг хўжалик ҳисобидеги реклама ва ахборот агентлиги.

СССР Соғлиқни сақлаш министрининг

ТОШКЕНТ ВАКЦИНА ВА СИВРОТКА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

лабораториялар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

бактерияли препаратлар биохимияси — кичик илмий ходимлар (2 ўрин);

иммунология — мудар (ме-дицина фанлари доктори ёки кандидати) — кичик ил-мий ходимлар (2);

табиқ этишнинг ташкил этиш ва экспериментал те-хнология — мудар (биология фанлари кандидати) — кат-та илмий ходимлар (3);